

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ СЎЗЛАШУВ НУТҚИДА СОДИР БЎЛАДИГАН ГРАММАТИК ҚУРИЛМАЛАРДА ЛОКАТИВНИНГ РОЛИ

*Мадрахимов Тулибай Абдукаримович,
ЎзДЖТУ, ф.ф.н.*

Annotatsiya. *Maqola ingliz va o‘zbek tillari so‘zlashuv nutqida ishlatiladigan nazariyalarga bag‘ishlangan. Asosiy e‘tibor berilayotgan nazariyalarning o‘xshashliklari va farqlarini aniqlashga qaratilgan.*

Kalit so‘zlar: *lokativ, semantik konfiguratsiya, sintaktik birikma, semantic rollar, semantic tahlil.*

Қиёсланаётган тиллар сўзлашув нутқи (СН)да таҳлил учун анчайин қийинчилик туғдирувчи рол бўлган локатив тилшунослар олдига қатор муаммолар кўндаланг қўйилди. Ҳар қандай инсоний тил фазовий маъноларни ўз воситалари орқали турлича ифода этишга қодирдир (1). Бу фарқни кўрмоқчи бўлиш учун айрим ўрин-жой маъносини билдирувчи предлогларни санаб ўтсак кифоя: in, on, at; from, to; in out of; through, under, over ва ҳаказо.

Инглиз тилидаги предлогларнинг бирикмалари (from under, from behind ва ҳаказо) бу фазовий муносабатларга янада кўпроқ ойдинлик киритади. СН грамматикасининг ҳодисаси бўлмиш семантик роллар, фазовий тасаввурлардан фарқли ўлароқ, яъни лексик таркибда жойлашиб олган воситалардан фарқ қилган ҳолда шундай тушунчаларни олиб кирадиларки, уларда предлогли лексемалар томонидан ифода этилаётган маънолар умумлаштирилган бўлади.

СН семантик синтаксисда кузатиладиган яна бир қийинчилик шундан иборатки, гап таркибида кўп предлог ишлатилганда от гуруҳларининг фазовий маъноларининг мавқеини ўрнатиш жуда қийин.

СН да бир гап чегараларида бир феъл билан фазовий маънога эга бўлган бир неча от гуруҳини биргаликда ўрганиш (масалан: He passed from the hall into the corridor.) уларнинг роли семантикаси ўртасидаги фарқлар ҳақида маълумот беради. Бошқа томондан, уларнинг семантик жиҳатдан яқинлиги ва уларнинг бу хусусияти ҳам сезилмай қолмайди. Бу муаммони ечишнинг асосий йўли локативни ягона семантик роли ва унинг бир қанча турга эга эканлигини тан олишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бир локативнинг қуйидаги типологик хоссаларини топамиз:

Статик фазовий ориентция феъллари (to stand, to stay, to lie, to be ва ҳаказо.) ўзларининг рол структурасида Локатив ўрин жой ролига эга. Масалан: lie [-агенс, Локативўрин жой]

Инг: He stayed in Tashkent. Ўзб: У Тошкентда қолди.

Инг: He lay on the grass. Ўзб: У майсага ёнбошлади.

Юза структурасида Локатив ўрин жойнинг одатдаги ифодаси ўрин ҳолидир. Аммо айрим ҳолларда у эга вазифасида ҳам келиши мумкин.



Масалан: Инг: Siberia is snowy. (It is snowy in Siberia). Ўзб: Сибирда қор кўп.

Инг: Batumi is rainy. (It is rainy in Batumi). Ўзб: Батумида ёмғир кўп ёғади.

Динамик фазовий ориентация феъллари (to go, to move, to creep, to fall, to roll ваҳакозо) ўз рол структураларида қўйидагиларга эга бўлади: Локатив жўналиш, локатив транзит нукта, локатив марра.

Иш-ҳаракат ғояси ҳар бир ҳолатда ҳаракатнинг мана шу уч фазовий, параметрини босиб ўтади ва сўзловчининг мақсади ва нутқ моментини коммуникатив мўлжалдан келиб чиққан ҳолда мана шу уч босқичнинг у ёки бу нуктасига сўзловчи эътиборини қаратади ва уларни юза структурасига олиб чиқади. Қайси бир параметрнинг диққат марказига тўғри келиши экстра ва интралингвистик омилларга боғлиқдир (2). Булар жумласига муаллифининг иш-ҳаракатини билдирувчи шахс ёки предметига бўлган муносабати ҳам киради. Масалан: қоя тепасида мана шу қоядан пастга ўзини ташламоқчи бўлган шахснинг ёнида турган шахс учун бажарилган иш - ҳаракатни тасвирлаб:

1. He jumped into the sea дейиши
2. He jumped from the rock гапидан кўра табиийроқдир.

Аммо бу ситуацияни денгизда туриб тасвирлаётган шахс учун иккинчи гапни айтиш табиийроқ бўлади. Бу ерда тасвирланган ҳар икки ситуация ҳам нутқда ўз контекстуал кўрсаткичларига эга.

Айрим феъллар аниқ фазовий “ихтисослашув” га эгадирлар. Масалан: to reach феълига Локатив мўлжал семантик роли хос бўлса, to depart феълига Локатив жўналиш мосдир ва ҳаказо. Бошқа феъллар эса (бундай феъллар жуда кўп) вариантларга эгадирлар.

Масалан: to creep феъли into N, from N ва through N лар билан алоқага киришиши мумкин.

Юқорида келтирилган мисолларда to jump феълида бўлган турлича мўлжал бир феъл тўғрисида бўлиб ўтганэ ди. Аммо шундай ҳолатлар кузатиладики, сўзловчининг кузатиш нуктаси ўзгаргач феъл ҳам ўзгаради. Масалан, инглиз тилида бириш – ҳаракатни билдириш учун икки феъл ишлатилади: to come (келмоқ),: Come to the blackboard! Доска ёнига кел! ҳамда, to go (бормоқ): Go to the blackboard! Доска ёнига бор! Бу нарса худди ўзбек тилида кузатилаётгандек гапирувчининг иш -ҳаракатини охириги нуктасига нисбатан эгаллаган позициясига боғлиқ. Охириги нукта вазифасини бу ситуацияда доска бажармоқда. Бу омилни ҳисобга олмаслик тилни ўрганувчилар томонидан хато қилишга олиб келади.

Қиёсланаётган тиллар СНда семантик ролларни тадқиқ қилишда шу нарсага алоҳида эътибор қаратиш керакки, бу каби таҳлилда лингвистик асосда маҳкам қолиш керак ва борлиқ ҳақидаги бизнинг билимимиз ва мантиқий фикрлар занжири лингвистик таҳлилнинг ўрнини эгаллаб олмаслиги керак. Семантик таҳлил учун фақатгина денотатнинг белгиларигина муҳим бўлиб қолмай, балки уларнинг лисоний ифодаси ҳам муҳимдир. Қўйидаги гаплар

структуравий жиҳатдан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам белгига эгадир. Буни мисолларда кўрамыз:

Инг: An apple fell from the tree to the ground. Ўзб: Олма дарахтдан ерга тушди.

Инг: An apple fell from the tree. Ўзб: Олма дарахтдан тушди.

Инг: An apple fell to the ground. Ўзб: Олма ерга тушди.

Инг: An apple fell. Олма тушди.

Қийсланаётган тиллар СН да бу гапларнинг барчаси ягона ситуацияни билдиради. Лекин уларнинг ҳар бирида ҳар хил ахборот берилади. Шу билан бирга to fall феъли билан англашилган иш - ҳаракат охириги нуқтаси кўрсатилмаса ҳам, тилда сўзловчилар учун унинг мавжудлиги маълумдир. Бундай ҳолатни кўрсатиш учун гарчи бу ролларнинг айримлари юза структурада ифода этилмаслиги мумкин бўлсада, бу феълнинг семантик ролларини схематик ёзув орқали беришнинг ўзи кифоя.

Fall. (номинатив. (Локативжўналиш) (Локативмўлжал))

Инглиз ва ўзбек тиллари СН да феълнинг рол структураси, гапнинг семантик конфигурацияси ва гапнинг структуравий схемаси ўртасидаги муносабатлар қуйидаги тарзда ифодаланиши мумкин. Феълнинг рол структураси феъл семантикаси томонидан талаб қилинадиган ролларнинг энг тўла йиғимидир.

У ёки бу роллар йиғиндиси ва феъл маъноси биргаликда семантик конфигурацияни ташкил этади (3).

Шундай қилиб, бу рол структураси бирдан кўп семантик конфигурациялар билан муносабатда бўлиши мумкин ва ниҳоят, аниқ бир семантик конфигурация гапнинг бирдан кўпроқ структуравий схемасига мос келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Нурмонов А. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Т: 1991, 214 б.
2. Kempson R.M. Presupposition and the Delimitation of Semantics. Cambridge. 1975, 112 p.
3. Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. М: 1982. 212с.